



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (56) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (56)

2023

июнь

УДК 61521432-099-616.89-008.414.44

**ЯРИМСИНТЕТИК «КРОКОДИЛ» НАРКОТИК МОДДАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШЛАРДА
ПАТОМОРФОЛГИК БЕЛГИЛАРНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ**

¹Э.Ш.Дилов <https://orcid.org/0009-0006-5493-6412>

²Ш.И.Рўзиев <https://orcid.org/0009000964635383>

¹ Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot instituti, O'zbekiston, Buxoro, st. A. Navoiy. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

²Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон 100140, Тошкент, Боғишамол кўчаси 223, тел: 8 71 260 36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ **Резюме**

Дезоморфин (крокодил) яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланиш ҳолатларида клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижаларини ўрганиш шунинг кўрсатдики, уларни аниқлашнинг энг самарали усуллари токсикологик таҳлил ва газ-суюқлик хроматографияси усули ҳисобланади. Суд тиббий текширувларда бу каби ҳолатларда ўткир заҳарланишларга хос бўлган ички аъзолардаги патоморфологик белгилар аниқ намоён бўлди. Жумладан, ички аъзоларда, бош мия қаттиқ пардасида катта ва кичик нуқтасимон қизғиш ва бинафша рангдаги қон қуйилишлар.

Калит сўзлар: дезоморфин, крокодил, заҳарланишлар, қон қуйилишлар.

**ЭКСПЕРТНАЯ ОЦЕНКА ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ ПРИ
ОТРАВЛЕНИЯХ ПОЛУСИНТЕТИЧЕСКИМИ ПРЕПАРАТАМИ "КРОКОДИЛ"**

¹Э.Ш.Дилов <https://orcid.org/0009-0006-5493-6412>

²Ш.И.Рўзиев <https://orcid.org/0009000964635383>

¹Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

²Ташкентский педиатрический медицинский институт, 100140, Узбекистан Ташкент, ул. Боғишамол, 223, тел: 8 71 260 36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ **Резюме**

Изучение результатов клинических и лабораторных исследований в случаях острого отравления полусинтетическими препаратами дезоморфином (Крокодил) показало, что наиболее эффективными методами их выявления являются токсикологический анализ и газожидкостная хроматография. При судебно-медицинских экспертизах патоморфологические признаки на внутренних органах, характерные в таких случаях для острого отравления, стали явным проявлением. Включая переливание красноватой и фиолетовой крови с большими и маленькими точками на внутренних органах, твердой оболочке мозга.

Ключевые слова: дезоморфин, крокодил, отравления, переливания крови.

**EXPERT ASSESSMENT OF PATHOMORPHOLOGICAL SIGNS IN POISONING WITH
SEMI-SYNTHETIC DRUGS "CROCODILE"**

¹E.Sh.Dilov <https://orcid.org/0009-0006-5493-6412>

²Sh.I.Ruziev <https://orcid.org/0009000964635383>

¹Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

²Tashkent Pediatric Medical Institute, Uzbekistan 100140, Tashkent, 223 Bogishamol St, tel: 8 71 260 36 58 E.mail: interdep@tashpmi.uz

✓ **Resume**

The study of the results of clinical and laboratory studies in cases of acute poisoning with semi-synthetic drugs desomorphine (Crocodile) showed that the most effective methods of their detection are toxicological analysis and gas-liquid chromatography. During forensic medical examinations, pathomorphological signs on internal organs, characteristic in such cases for acute poisoning, became a clear manifestation. Including transfusion of reddish and purple blood with large and small dots on the internal organs, the dura mater.

Keywords: *desomorphine, crocodile, poisoning, blood transfusions.*

Долзарблги

Сўнгги ўн йилликда яримсинтетик наркотик моддалар билан ўткир заҳарланиш сони сезиларли даражада ошди. Ушбу препарат таркиби дезоморфин бўлиб, у морфин ўрнини босувчи, касалликларни даволовчи препарат сифатида ишлаб чиқилган, ammo бугунги кунда ушбу препаратлардан нафақат наркоманияда наркотик сифатида балки, ўз жонига қасд қилиш ёки жиноий мақсадида ҳам қўлланилади.

Дезоморфин яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланишлар оқибатида, айрим ички аззолардаги морфофункционал зоналарида рўй берадиган морфометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, улардаги микдорий таҳлилини ўтказиш, ушбу заҳарланишда асосий танатоген босқичларини суд - тиббий баҳолашдан иборат. Гиёҳванд моддалардан заҳарланишларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади [3,5].

Тадқиқотнинг мақсади: яримсинтетик «крокодил» наркотик моддалардан заҳарланишларда патоморфологик белгиларни эксперт баҳолашни такомиллаштириш.

Материал ва усуллар

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалида яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланишлар қайд қилинган 29 нафар суд-тиббий экспертиза хулосаларининг таҳлили.


Текширишни амалга ошириш мақсадида ретроспектив, морфологик, морфометрик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллар

Барча ўрганилаётган ҳолатларда яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланишларда суд-тиббий экспертиза ташхислари тўғрилиги ва ҳаққоний бўлиши учун патоморфологик текширувлар натижалари ҳам таҳлил этилган.


Мазкур иш асосини 2020-2022 йилларгача бўлган даврда Республика суд тиббий экспертизаси илмий-амалий марказининг Бухоро вилоят филиали танатология бўлимининг архив материалларидан саралаб олинган 11 нафар ҳолатларда яримсинтетик «крокодил» наркотик моддалардан ўткир заҳарланишлар натижасида вафот этган мурдалар ва уларнинг экспертиза хулосаларининг ретроспектив таҳлилари амалга оширилган, шунингдек 2020-2022 йиллар мобайнида 18 нафар мазкур ҳолатлар бўйича вафот этган мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза хулосаларининг спектив таҳлилари амалга оширилди.

Текширувларимиз ўткир заҳарланиш рўй берган вақтдан бошлаб баённомалар маълумотлари, тиббий ҳужжатларда қайд этилиши маълумотлари ва ушбу белгиларининг намоён бўлиши бўйича аниқланди, бунда ходиса рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатларни ўз ичига олади (1-расм).



1-Расм. Воқеа рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатлар

Тадқиқотимизда ретроспектив, морфологик, морфометрик ва статистик текширув усулларида фойдаланишга таянадиган тизимли ёндашув асос қилиб олинди.



2-Расм. Текширув материалларининг жинсга боғлиқ тасимланиши

Тадқиқотлар Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро вилояти филиалида 14-18 ёш вояга етмаганлар, шунингдек 18-45 ёшгача бўлган шахсларни ярим синтетик наркотик моддаларидан ўткир заҳарланишлари оқибатида юз берган ўлим қайд этилган ҳолатлар суд-тиббий экспертизалари ўрганилди. Текширувлар давомида 14-18 ёш оралиғида жами 3 нафар, шулардан 2 нафари эркак ва 1 нафари аёл, умумий миқдори 10,4% ни 18-22 ёш оралиғида эса жами 9 нафар, шулардан 5 нафари эркак ва 4 нафари аёл, умумий миқдори 31,1% ни 23-35 ёш оралиғида жами 9 нафар, шулардан 6 нафари эркак ва 3 нафари аёл, умумий миқдори 31,1% ни 35-45 ёш оралиғида жами 7 нафар эркак ва 1 нафар аёл, умумий миқдори 27,6 % ни ташкил этди. Уларнинг ўртача ёши $27,3 \pm 4,3$ ёшни ташкил қилди (2- расм).

Ушбу тадқиқотда дезоморфин (крокодил) яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланиш ҳолатларида патоморфологик ва суд кимё лаборатория тадқиқотлари натижалари таҳлиллари ҳам амалга оширилди.

Тадқиқотларимизда аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, спектив текширишлар учун саралаб олинган 18 та ҳолатда жабрланганларда дезоморфин (крокодил)нинг қонида минимал миқдори 2,6 мг/л, максимал миқдори эса - 129 мг/л, ўртача миқдори эса 5,3 ва 0,9 мг/л га тенглиги ўз исботини топди. Шундан эркакларда ушбу кўрсаткичлар аёлларга нисбаттан кўпроқ учраши ҳам суд-тиббий асосланди, масалан 11 нафар эркакда ўртача қонаги миқдори 62,4% ни, 7 нафар аёлда эса қондаги ўртача миқдор кўрсаткичлари 39,7% ни ташкил этди.

Дезоморфин (крокодил) яримсинтетик наркотик моддалардан ўткир заҳарланиш ҳолатларида клиник ва лаборатория тадқиқотлари натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларни аниқлашнинг энг самарали усуллари токсикологик таҳлил ва газ-суюқлик хроматографияси усули ҳисобланади.

Суд тиббий текширувларда бу каби ҳолатларда ўткир заҳарланишларга хос бўлган ички аъзолардаги патоморфологик белгилар аниқ намоён бўлди. Жумладан, ички аъзоларда, бош мия қаттиқ пардасида катта ва кичик нуктасимон қизғиш ва бинафша рангдаги қон қуйилишлар.

Шунингдек 9 нафар мурдаларда мурда доғларининг кучсиз ривожланиши ва умуман бўлмаслиги (ички қон кетишлар натижасида) ҳам кузатилди. Бу каби ҳолатларда асосий сабаб организмда ўткир заҳарланишлар натижасида катта ва кичик қон томирлардан ўткир ички қон кетишларининг ривожланишидан гемоциркуляциянинг бузилиши натижасида юзага келиши шак шубҳасиз ўз исботини топди.

Шунга ўхшаш қон кетиш тури ички аъзоларда топилган: ошқозон ости беzi тўқималарида, буйрак, тос суяги ва сийдик йўллариининг шиллик қавати, ошқозон шиллик қаватида ва мияда. Макроскопик, ўпка паренхимасида ҳам қон кетишлар мавжудлиги ва текширишларимизнинг деярли 50% ҳолатида Тардие доғларининг мавжудлиги ҳам кузатилди. Бундан ташқари, субплеврал қонашлар, субэпикардиял қонашларга қараганда икки барабар кенг тарқалганлиги ҳам кузатилди.

Кузатувларнинг 83,4% ҳолатида бош мия мия веноз қон томирлари тўлиқ қонли эканлиги кузатилди, шунингдек бир вақтнинг ўзида мия шишиши ҳам кузатилди.

Хулоса

Дезоморфин (крокодил) яримсинтетик наркотик моддалардан заҳарланишларда босқичма-босқич ривожланиб борадиган патоморфологик ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар организмдаги функционал ўзгаришлар, организмнинг барча аъзолари бошқарилишини тизимли ишдан чиқиши тўғрисида тахминий фикр юритиш имконини беради. Олинган натижалар суд тиббиёти амалиётида дезоморфин (крокодил) яримсинтетик наркотик моддалардан заҳарланишларда, уларни оғирлик даражасини суд-тиббий баҳолашда қўшимча текшириш омили сифатида хизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алкоголь в Европейском регионе - потребление, вред и политика Наркология. – М., (2006) 3:24-30.
2. Бабенко О.В., Агапов В.И., Авхименко М.М. Лечение отравление метиловым спиртом Медицинская помощь. (2002) 2:32-34.
3. Н.В.Зайцева и др. Воздействие одноатомных спиртов жирного ряда на здоровье детей / Н.В.Зайцева, М.А. Землянова, П.З. Шур, Д.А. Кирьянов Гигиена и санитария. – М., (2006) 6:21-23.
4. Н.В.Лазарева и др. Вредные вещества в промышленности: Справочник. Т. 1: Органические вещества /Под ред. Н.В.Лазарева, Э.Н.Левиной. – Л., (1977) 363-374.
5. Томилина В.В. Судебная медицина: Учебное пособие для вузов. /Под ред. В.В.Томилина. – М., (2001) 142-145.
6. Солодун Ю.В. и др. Клинико-морфологические параметры героиновой наркомании и связанной с ней патологией. Судебно-медицинская экспертиза. М., (2001) 6:6-11.
7. Правделова А.О., Бойко А.В. Анализ смертельных отравлений наркотическими и психотропными веществами в Санкт-Петербурге в 2001-2002 годах. Теория и практика судебной медицины: Труды Петербургского научного общества судебных медиков. СПб., (2007) 144-146.

Қабул қилинган сана 20.05.2023